

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

301 Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сон «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 32, 69, ЭГ-01/10-1559, 2009-16 ва 01-02/8-5-сонли қарори (рўйхат рақами 1932, 2009 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
41-сон

301-модда

— 152 —

24 (628)-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
70-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
19-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
2014-22-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
01-02/8-06-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси,
Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил
2 июндаги 41, 70, 19, 2014-22,
01-02/8-06-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга
ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона
имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги
ПҚ–1050-сон «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар жумласига сотув умумий ҳажмида ушбу товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши ҳисобот даври якунлари бўйича камида 60 фоизни ташкил этадиган корхоналар киради. Ушбу корхоналарга қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялар берилади:».

2. 2-банднинг биринчи хатбошиси «Ушбу Низомнинг 1-банди «а» кичик бандида кўрсатилган имтиёзлар» деган сўзлардан кейин «(божхона тўловлари бўйича имтиёзлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 5-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. 1-иловада:

а) V боб қуйидаги тахрирда баён этилсин:

V. Тайёр тикувчилик буюмлари, тайёр кийимлар (тикувчилик, трикотажа ва чарм буюмлари)	Ёстиқлар Матрацлар Адёллар Чойшаб Кўрпа-тўшак комплектлари (чойшаблар, кўрпажилдлар, ёстиқ жилдлари) Сочиқлар Турли хил ғилофлар Пардалар Дарпардалар Партерлар Дастурхонлар Салфеткалар Тентлар Турли хил чодирлар Ухлаш учун қоғозлар Пледлар Конвертлар Аёллар кўйлаги Пиджаклар Халатлар Блузкалар ва кофталар Юбкалар Плашлар Костюмлар Эркаклар кўйлаги Курткалар Шимлар Пальто ва яримпальто Миллий кийимлар Тунги кўйлақлар Ишчи ва махсус кийим Ветровкалар Чақалоқлар учун кийим
---	--

	<p> Мактаб формаси Турли хил фартуклар Рўмоллар Шорти Трусик Спорт костюмлари, шими ва трикоси Турли хил қўлқоплар Болонкалар Бушлатлар Кителлар Хомиладорлар учун кийим Жилетлар Жакетлар Сарафанлар Пижама Ички кийим (кальсон ва рубаха) Болеро Капри Туника Сюртук Шорти юбка Пелерина Султанкалар Бриджи Капюшонли ва капюшонсиз жемперлар Майкалар Комбинезонлар ва ярим комбинезонлар Фуфайкалар Футболкалар Бодалар Ползункалар Водолазкалар Свитерлар Пуловерлар Панталонлар Рейтузалар Трикотаж тўқилган қўлқоплар Чанғичилар костюми Варежка ва қалпоқлар «Поло» эркаклар кўйлаги «Поло» аёллар кўйлаги Пеньюарлар Комбинациялар Чўмилиш костюмлари Плавкалар Легенслар </p>
--	--

б) VIII боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

VIII. Тўқимачилик атторлик буюмлари	Метрли ленталар, резинали продержжа, ҳар хил тесма, баҳрама-попуклар Турли бош кийимлар (рўмоллар) Шарфлар Дастрўмоллар Бўйинбоғлар Корсет маҳсулотлари Тюль-гардин анжомлари, кружева (безак тўрлар) Текстиль шнурлари Ошхона матолари (дастурхонлар, салфеткалар) Учбурчак рўмоллар Манжетлар Ёқалар Дорожкалар Ёпинчиқлар Чойшаб Дарпардалар Гиламчалар Зонтлар ва зонтлар учун ғилофлар Матодан ишланган абажурлар Сумкалар Гамаклар ва сеткалар Ленталар Резина шнурлар Боғичлар Арқонлар Канат арқонлар Шпагат
--	--

в) XI бобдан «Чарм кийимлар» сатри чиқариб ташлансин.

г) XII бобда:

«Санитария-гигиена ювиш воситалари» сатри «(идишлар ва ойна ювиш учун воситалар, ванна хоналар (кафель, ванна, унитаз) учун тозалаш воситалари, кир ювиш кукуни, оқартириш воситалари, хўжалик совуни)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«Нам салфеткалар» сатри билан тўлдирилсин.